Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
25 август
ШАНБА

№ 69
(11.976)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медали топширилсин:**

**Дадахонов Тоир** – "12-трест" очиқ акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси монтажчи-пайвандчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри.

**Мирзаева Халчахон** – Тўрақўрғон туманидаги "Хатича ая" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти.

**Рахманов Сайдали Парманович** – Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти "Қолмақир" конининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти.

**Саидазимов Зархўжа Муратович** – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Боинг" учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2007 йил 24 август.



**Дадахонов Тоир**



**Мирзаева Халчахон**



**Рахманов Сайдали Парманович**



**Саидазимов Зархўжа Муратович**

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:**

**"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан**

**Тулаганова Мухайё Мирза-Алиевна** – Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Мусаев Соли Зияевич** – "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг клинкер куйдириш цехи айланма печлар катта машинисти.

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Валиев Марат Равильевич** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи.

**Мадмуратов Сергей Иргашевич** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдирувчиси.

**"Дўстлик" ордени билан**

**Асанова Гульнара Эдгемовна** – Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамияти электр цехи катта устаси.

**Каримов Малик Рахимович** – Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги бошлиғи.

**Мансуров Латиф Эргашевич** – Ўзбекистон "Камолот" ёшлари ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ тумани кенгаши раиси.

**Шоматов Мархия Абдивохидович** – Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси.

**"Шуҳрат" медали билан**
*(100 ёшдан ошганлар)*

**Худайбердиева Угилай** – Ўртачирчиқ тумани.

**"Жасорат" медали билан**

**Диганшин Равиль Рафикович** – Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийси.

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдурашидов Анвар Вахабович** – Чиноз туманидаги "Янги Чиноз" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси.

**Артикбаева Мубарак Ергашовна** – Тошкент туманидаги "Келес жун" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси.

**Бабажанова Сабура Сатиевна** – Бўстонлиқ туманидаги "Ғазалкент" очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси.

**Балтабаев Урисбай** – Қуйичирчиқ туманидаги "Тошлоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси,

**Дусматов Артик Хакимович** – Зангиота туманидаги "1-механизациялашган кўчма колонна" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари.

**Пулатова Гулчехра Абдихаликовна** – Республика "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Оҳангарон тумани бўлими раиси.

**Тураев Бахром Акабоевич** – Бекобод туманидаги "Ойбек машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн-оператори.

**Хаитов Олимжан Шарипович** – Қибрай туманидаги "Солиҳ" фермер хўжалиги бошлиғи.

**Эшматова Шарофат Алимжоновна** – Бўка туманидаги ҳунарманд.

**Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЎҚУВИ

Ҳозир мамлакатимиздаги 212 мингдан зиёд фермер хўжалигининг 17 мингдан ортиғини аёллар бошқармоқда. Шу боис фермер аёлларнинг касбий, ҳуқуқий ва иқтисодий билимини ошириш, нафақат хом ашё етиштириш, балки сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ҳам яқиндан кўмаклашиш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтган фермер аёллар малакасини ошириш ва уларда раҳбарлик фаолиятини шакллантиришга бағишланган семинарда шу ҳақда фикр юритилди.

Тадбирда фермер аёллар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**ЎзА.**

*Мустақилликнинг 16 йиллигига*

**Шу кунларда она юрт, азиз Ватан каломи тиллардаю дилларда такрор-такрор янграмоқда. Истиқлол келтирган ҳурлик, озодлик, эркинликнинг хуш ҳавоси, ҳаётбахш навосида балоғатга етган озод, мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги қиёфаси, камолоти ўзгача. Кўнгиллари қўшиғу, қалби ашъор истаган одамлари ўзгача. Улар билан суҳбатлашиш, ҳамкору ҳамнафас бўлишнинг ҳузури ўзгача.**

# ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ



Вилоятимизнинг серфайз гўшаларидан бири Паркентда бўлиб ўтган маънавият байрами фикримизга кўзгу бўлса ажабмас. Ўзбек адабиётининг чинорлари илдизидан униб чиққан забардаст ижодкорлар, ҳаваскор қаламкашлар, санъаткорлар, вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирокидаги мустақил Ўзбекистонимизнинг 16 йиллигини шарафлаш, улуғлаш кечасида Ватан муҳаббати кўнгилларга ғурур ва сурур бахш этди.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган кўламли бунёдкорлик ишлари нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам эътироф этилаётир. Бундан фақат фахрланиш, ғурурланиш мумкин. Яқинда қуриб битказилган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли мустақиллик йилларидаги улкан ўзгаришларнинг бир намунаси, холос. Бугун бошланадиган «Шарқ тароналари» фестивали эса қадим Самарқанднинг, қолаверса, бутун Ўзбекистоннинг халқаро дўстликни мустаҳкамлайдиган кўнгиллар кўприги эканлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

– Бизнинг Ватанимиз кўпгина хайрли, эзгу ишларнинг бешиги бўлиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Ўзбек халқининг санъати, маданияти, юксак маънавияти анъанага айланиб бораётган «Шарқ тароналари» фестивалида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Фестивалнинг катта саҳнасида дунёга танилаётган, ҳатто ўз юрти учун кашф этилаётган хорижлик санъаткорлар ўзбек халқининг тантилигига тан бераётганларини қайта-қайта таъкидлашаяпти.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Яхшилик қил» шеъри айнан ана шу тантиликни, бағрикенгликни исботлаб тургандек.

– «Эгаси бор юртнинг эртаси бор», – дейди шоир. – Шу юртнинг фидойиси бўлиб яшашга не етсин.

Шоир айтганидек, юртимизнинг фидойилари кўп. Бу қутлуғ айёмда ижодни, қаламни эъзозлаб, қадрлаб келаётган кекса ўқитувчи, паркентлик ёзувчи Асом ота Зиёматовга, шоира Зарифахон Эралиевага, журналист Жамолиддин Абдиевга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолиги гувоҳномаси топширилди.

Дарҳақиқат, Ватанни севмоқ иймондандир. Ватан эса остонадан, оила, ота-онадан бошланади. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг ҳар бир сўзию ашъорида Ватан, оила, ота-она муҳаббати муштарак, инсонийлик унга бир бешик:

*Меҳмон келса қадамига*
*Тўкилгани ҳавас бўлсин.*
*Дуо олсанг дуогўйинг*
*Гулдек тоза нафас бўлсин.*
*Отам дегин, онам дегин*
*Тилинг ширин сухан бўлсин.*
*Фарзанд кўрсанг кулгусида,*
*Йиғисида Ватан бўлсин.*

– Азиз ватандошларим, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, – аввало, қадримизни, қадриятларимизни, ўзлигимизни қайтариб берган улуғ неъмат – Истиқлол байрами билан табриклайман. Жаҳон эътирофига, халқимиз ардоғига муносиб аждодларимиз, ота-боболаримизнинг қутлуғ номлари қайта тикланди. Энди улар ҳар сўзимизда, ҳар бир хатти-ҳаракатимизда мангу барҳаёт.





– Халқимизнинг маънавий-маърифий бойликлари бисёр. Маънавиятимиз эса шаффоф булоққа ўхшайди, – дейди республика Маънавият-тарғибот маркази раиси Минҳожиддин Ҳожиматов. – Ана шу шаффофликка нафақат юзимизни, балки қалбимизни ҳам чайиб олсак дейман. Мустақиллик туфайли эришган ҳар бир қадриятимиз эса нури-зиё бўлиб, кўнгилларни ёритиб турса...

Қувонарлиси, тадбирга йиғилган турли касб эгалари – ишчи, деҳқон, зиёлиларнинг шеъриятга бўлган ихлоси уларнинг чеҳрасидан шундоққина сезилиб турар, саҳнада янграган ҳар бир шеър, қўшиқни давомли қарсаклар билан кутиб олишар эди. Айниқса, ёш иқтидор эгаси, истеъдодли хонанда Илёс Арабов ижросидаги мумтоз қўшиқлар, ўзига хос ижодий услубга эга бўлган Рустам Мусурмоннинг халқ оҳангидаги шеърлари, ўқитувчи Икром Ортиқовнинг жўшиб ўқиган «Уйимдаги меҳмон» шеъри мухлисларга жуда маъқул бўлди.

Хуллас, жўшқин мушоира, самимий суҳбат табиатан ишқли халқимизнинг байрамона, кўтаринки руҳиятидан дарак. Илоҳим, мустақил юртимизнинг эзгуликка йўғрилган байрамлари бисёр, бардавом бўлгай.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# МЎЪЖАЗ ҚОҒОЗ МЎЪЖИЗАСИ

**Ҳаётдаги ҳар бир янгилик яхшиликка, инсон ҳаётини янги ижобий жиҳатлар билан бойитишга хизмат қилса, турмушимиз мазмунан ва моҳиятан гўзаллашиб бораверади. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади шунга қаратилгандир. Зеро, уларнинг замирида инсон манфаатлари ётади.**



Лекин ҳеч бир янгилик ўз-ўзидан ҳаётимизга сингиб, турмуш тарзимиз, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатларининг таркибий қисмига айланиб қолмайди. Инсон табиати шундайки, у ҳаётимизга кириб, турли муносабатларда ўзи учун енгиллик ва қулайлик туғдирувчи янгиликка ҳам иккиланиш, ишончсизлик билан қарайди. Синчиклаб ўрганилса, бу ҳолат янгиликни жорий этишга расмий ва юзаки муносабатнинг оқибати бўлиб чиқади.

– Иш ҳақини пластик карточкалар воситасида тўлашга ўтиш жараёни ҳам мана шундай руҳий ҳолатлардан ҳоли бўлмаётир, – дейди Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев. – Буни ўз корхонамиз меҳнат жамоаси мисолида ҳам кўрдик. Аммо биз маъмурият билан ҳамкорликда бу янгилик жорий этилишига бошиданоқ мутлақо ўзгача ёндошдик. Натижада барча муаммоларимиз босқичма-босқич ҳал бўлди. Бугун 6500 ишчи-хизматчимиз ойлик иш ҳақини пластик карточкалар орқали олаётир.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат эди? «Электркимёсаноат»да улар қандай ҳал қилинди?

Мамлакат қишлоқ хўжалиги, умуман, иқтисодиётимизнинг кўпгина тармоқларини барқарор ривожлантириш учун ниҳоятда зарур кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бу корхонада 2000 йилнинг бошларига келиб маҳсулотлар ҳажми камайиб кетди. Натижада молиявий аҳвол мураккаблашиб, ишчи-хизматчилар иш ҳақини ярим йиллаб ололмай қолишди.

Мана шундай шароитда ҳукумат 2003-2007 йиллар мобайнида «Электркимёсаноат»да ишлаб чиқаришни қайта тиклашнинг кенг кўламли дастурини амалга оширди. Корхонада мулкчилик шакли ўзгартирилиб, очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди, хорижий сармоялар киритишга алоҳида эътибор берилди, технологик жараёнларни янгилашга киришилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борди, корхонанинг экспорт салоҳияти кенгайди. Бу эса молиявий аҳволни барқарорлаштириб, иш ҳақини ошириш учун ишончли асос яратди. Ўртача ойлик иш ҳақи 2004 йил декабрга келиб 165, кейинги йилнинг сентябрига эса 186, ниҳоят, 2006 йилнинг ноябрида 250 минг сўмга чиқди.

**(Давоми 2-бетда).**

***Тошкент туманининг Кўктерак қишлоғида "Бу - байрам барчамизники, бутун халқимизники!" мавзуида ўтган учрашувда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

## КЎКТЕРАКДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева, Халқ шоири Маҳмуд Тоир, Бастакорлар уюшмаси раҳбари Рустам Абдуллаев ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, Истиқлолнинг илк йиллариданоқ аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар байрам тадбирига ўзгача шукуҳ бағишлади.

**ЎзА.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ЗИЁРАТ – РУҲИЙ МАДАД

**Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилдилар.**

Ижтиомий ҳимоя йили муносабати билан Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан уюштирилган саёҳат давомида 49 нафар қариялар буюк тарихий шаҳарлардаги табаррук қадамжоларни зиёрат қилдилар. Улар Бухородаги Арк қўрғони, Минораи Калон ва машҳур Лабиҳовуз мажмуалари, Баҳовуддин Нақшбанд ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбаралари, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси, Бибихоним масжиди, Гўри Амир ва Руҳобод мақбараларини қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилишди.

– Кексалар иззат-ҳурматини жойига қўйиш миллатимизга хос фазилатлардан биридир, – дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Файзулла Муталов. – Икки қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарга сафардан қарияларимиз катта таассуротлар билан қайтишди. Туман ҳокимлиги ва жамғармамиз Ижтимоий ҳимоя йилида бундай саёҳатларни давом эттиришни режалаштирди. Фахрийларимизнинг навбатдаги сафарини ўзининг икки минг йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган Марғилон шаҳрига уюштиришни мўлжалламоқдамиз.

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмаси базасида Сурхондарёнинг тоғли қишлоғи – Хонжизада янги кон участкасини очиш ишлари жадал давом этмоқда.**

## ХОНЖИЗАДА ЯНГИ КОН УЧАСТКАСИ

Олмалиқ, Ангрен, Намангандаги «Чодак», Жиззахдаги «Учқулоч» конлари қаторига энди «Хонжиза» янги кон участкаси ҳам қўшилди. 2009 йилдан ишга туширилиши мўлжалланган бу ерости кони қошида бир йўла бойитиш фабрикаси ҳам фаолият юритади. Ҳозирги кунда кончилар учун оилавий ётоқхона биноси, ошхона ва бир қатор маиший хизмат бўлимлари бунёд этилмоқда. Шунингдек, қишлоқ маркази билан кон участкасини боғлаб турувчи 25 километр масофада автойўл қурилмоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## БИТИРУВЧИ ИШЛИ БЎЛДИ

**Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Жойларда, жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан ўтказиб келинаётган "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чиноз туманида бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 24 корхона ва ташкилот 127 иш ўрни билан қатнашди. Унга жалб этилганларнинг 62 нафари ишли бўлди. Нодира Сидирова – шулардан бири.

– Шу йил пойтахтимиздаги Тиббиёт коллежининг ҳамширалик иши йўналиши бўйича ўқишни тамомлаган эдим, – дейди у. – Ярмаркага келиб, Чиноз туман Марказий шифохонасига қарашли болалар поликлиникасига ишга жойлашганимдан хурсандман.

**ЎзА.**

Мустақилликнинг 16 йиллигига

# МЎЪЖАЗ ҚОҒОЗ МЎЪЖИЗАСИ

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури иш ҳақини пластик карточкалар воситасида тўлашни жорий этишни ҳам кўзда тутарди. Шу мақсадда 2003 йил давомида ҳисоб-китобларни нақд пулсиз, пластик карточкалар асосида олиб боришнинг афзалликлари ва қулайликларини ходимларга тушунтириш кенг тус олдирилди. Маъмурият ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бўлим ва цехларнинг бошлиқлари ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳар ҳафтада ўтадиган умумий йиғилишларда амалга оширилиши мўлжалланаётган режалар ҳақида гапириб бера бошлашди. Бу учрашувларга «Саноатқурилишбанк»и маҳаллий бўлимининг мутахассислари ҳам жалб қилинди.

Бошқарувнинг барча бўғинларидаги раҳбар ва мутахассис ходимларда жорий этилиши кутилаётган янгиликнинг моҳияти ҳақида муайян тушунча пайдо бўлгач, тушунтириш ишлари бевосита цех, участка ва бригадаларга кўчирилди. Ҳар бир цех ва бўлимда ишчи-хизматчилар билан учрашувлар ўтказилди. Уларда корхона раҳбари бошчилигида ҳисобхона ва банк ходимлари одамларни қизиқтирган барча саволларга тўла-тўкис жавоб беришди.

Айни пайтда Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тармоқларини жадал шакллантириб борди, терминаллар, банкоматлар ўрнатилди. Шу билан бир пайтда корхонанинг ўзида ҳам умумий овқатланиш корхоналари, буфетлар, янги ташкил этилган кичик савдо шахобчаси тегишлича жиҳозланди. «Саноатқурилишбанк»нинг шаҳар бўлимида ҳам тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш имконини берувчи шароит яратилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шундай кўламли тарғибот-ташкилий ишлар пировардида – 2004 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақини пластик карточкалар орқали тўлашга ўтилди. Бу янгилик жорий этилгач, иш ҳақи бўйича қарздорлик қисқа муддатда уч баравар камайиб, 2005 йил сентябридан бошлаб ҳисоб-китоблар ойма-ой амалга оширила бошланди.

Албатта, бу ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ишчи-хизматчиларнинг кайфиятида, уларнинг ишга муносабатида катта ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Бугун ҳайдовчи Р. Халилов, аппаратчи Р. Данилова, термист Н. Пузикова, уста З. Каримова, смена бошлиғи А. Сулаймонов, меҳнат фахрийси В. Огаркова хуллас, ўз сменасига шошилаётган ишчи-хизматчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, бу янгилик ўзларининг кундалик турмушларига сингиб кетгани, пластик карточкалар орқали эҳтиёжларини қондиришга одатланиб қолишгани ҳақида гапиришади.

Бу – табиий ҳол. Лекин пластик карточкалар орқали хизмат турларини кенгайтириш давом этмоқда. Чунончи, бевосита корхона яқинида озиқ-овқат ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи «Экс-синтез» шўъба савдо корхонаси кимёгарларга хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда моллар тури ниҳоятда кўп, истаган маҳсулотни харид қилиш мумкин. Ишчи-хизматчилар, ҳатто, сартарошхона хизматлари, бошқа коммунал-маиший тўловларни ҳам пластик карточкалар орқали амалга оширишаяпти.

– Шаҳримизда тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланган ташкилотлар кундан кунга кўпайиб бормоқда, – дейди касаба ташкилотининг етакчиси. – Бугун уй-жой-коммунал хўжаликлар, алоқа ташкилотлари, солиқ идоралари, автомашиналарга ёқилғи қуйиш станциялари, ўнлаб савдо шахобчалари, бозорларда савдо қилувчи хусусий тарбиркорлар, стоматологик поликлиникалар, дорихоналарда ҳам терминаллар ишлаб турибди. Бунда тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилувчи банклар ва ташкилотлар учун яратилган имтиёзлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бугун «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятида иш ҳақининг 70 фоизи пластик карточкалар воситасида тўланмоқда.

Янгийўл ва Ангрен, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида, кўпгина туман марказларида ҳам иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш кўлами кенгайиб бормоқда. Ўтган йилги режа 106,3 фоиз бажарилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ҳозир йирик корхона ва ташкилотларнинг ҳар учинчисида ишчилар билан ҳисоб-китоб шу усулда амалга оширилаётир. Савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналарида эса 1111 та терминал, кўплаб банкоматлар ишлаб турибди.

Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда. Бу йил пластик карточкаларни 500 мингга, хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналаридаги терминалларни 2 мингга етказиш кўзда тутилмоқда. Демак, янгилик турмушимизга тобора чуқур кириб бораяпти. Ҳадемай бир пиёла чой учун ҳам пластик карточка узатиладиган пайтлар келади. Бу мустақиллик туфайли турмушимизга, ҳаёт тарзимизга сингиб бораётган таомил. Бундай қулайликка не етсин!

**Жўрабек МУРОДОВ.**



**СУРАТДА:** «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти ходимларига хизмат кўрсатувчи «Экс-синтез» шўъба корхонасида савдо пайти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Фармон ва ижро

**Сўнгги йилларда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига бир қатор имтиёз ва енгилликлар яратилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида юртимиз келажаги бўлган ёшларга алоҳида эътибор берилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган тадбирлар катта аҳамиятга молик ислоҳот бўлиб, ёшларга давлат даражасида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликдан далолат беради.**



# ЁШЛАР РЎЗҒОРИГА БАРАКА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви тасдиқлаган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тижорат банклари томонидан ёш оилалар – ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иш ҳақининг 1000 баравааридан ошмайдиган миқдорда микрокредит ҳамда уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун ипотека кредити имтиёзли асосларда берилади.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга кредитлар беришда бир қатор имтиёзли шартлар белгиланган. Чунончи, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмайди. Ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан берилиб, фоиз ставкаси ҳам юқоридагича. Молиявий истеъмол кредитлари бўйича олти ойлик имтиёзли давр белгиланган.

Ёш оилаларга юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш, якка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун микрокредитлар берилади.

Ипотека кредитлари 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ундан фойдаланиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган якка тартибдаги ва намунавий лойиҳа асосида, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш, уй-жойни ёки кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш мумкин.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача миқдорида ипотека кредити берилади. Якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек кўп хонадонли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ёш оилалар қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача шундай кредит оладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўпхонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳам Президентнинг юқоридаги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган. Унга мувофиқ, уй-жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ва уй-жой олиш учун ҳисоб(навбат)да турган ёш оилалар эгадир. Уларни уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш туман, шаҳар ҳокимлиги томонидан, эр-хотиндан бирининг аризасига асосан амалга оширилади.

Тегишли ҳокимликлар томонидан қабул қилинган аризалар уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси томонидан олдиндан кўриб чиқилади. Комиссия ёш оиланинг уй-жой шароитларини ва тегишли ҳужжатларини ўрганиб чиққанидан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда текшириш далолатномаси тузади. Унга ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ, комиссия ҳисобга қўйиш ёки рад этиш тўғрисида хулоса тузади, у ҳокимнинг қарори билан тасдиқланади.

Уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ёш оилаларга уй-жойлар навбат бўйича, бундай оилалар ҳисобга олинган санадан келиб чиққан ҳолда ва тегишли уй-жой майдони мавжудлигига қараб берилади.

Уй-жойлари яшаш учун белгиланган тартибда яроқсиз деб эътироф этилган, шунингдек, уларни таъмирлаш ёки реконструкция қилиш мумкин бўлмаган, эр-хотиннинг иккаласи ҳам етим бўлган, эр-хотиндан биттаси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни тугатган ёки озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазосини ўташ муассасаларидан қайтиб келган, сурункали касалликнинг оғир шаклларига чалинган беморлар билан бирга яшайдиган ёш оилаларга уй-жойлар навбатдан ташқари берилади.

Ёш оилага ушбу Низомга мувофиқ ижарага берилган уй-жой учун тўлов ундирилмайди. Ёш оила фақат умумий мулкни сақлаш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича умумий харажатлар ва коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширади.

Ўйлаймизки, Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган бу каби хайрли ва савобли ишлар мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга нафақат моддий, балки маънавий кўмак бўлиб, уларнинг давлат ҳимоясида эканликларини ҳис қилишларига, она юртга ишонч ва ватанпарварлик туйғуларини янада кучайишига асос бўлади.

**Бахтиёр АТАМАТОВ,**
**вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи.**

Пахтачиликда муҳим палла

**Ҳозир ғўзаси қошида парвона бўлиб юрган пахтакорни суҳбатга тортсангиз, албатта, тўпланаётган ҳосилга кундан кун барака киритаётганини завқ-шавқ билан сўзлайди. Ҳар туп ғўзанинг кунлик ўзгаришини эринмай таҳлил қилиб беради. Чунки, асл деҳқонлар август ойи ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла эканлигини жуда яхши тушунишади...**

# ДЕҲҚОН ҒЎЗАСИГА ПАРВОНА



Бу мавсум Чиноз туманидаги «Ўринбой ҳожи» фермер хўжалиги деҳқонлари 110 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Август ойининг ҳар томонлама қулай келаётгани бир нави, лекин хўжалик деҳқонларининг ғўза агротехникасига катта тажриба ва малакадан келиб чиқиб, омилкорлик билаң ёндошаётганликлари ўз самарасини бераётир. Ўтган бир ой ичида ҳосил тақдири деярли ҳал бўлди-қўйди. Ҳозир ҳар туп ғўза 18-20 тадан бўлиқ кўсак кўтарди. Деҳқонларнинг айтишича, тўпланган ҳосил нишоналарининг ўзиёқ мақсадга эришиш учун кифоя қилади. Улар туман хирмонига 45 центнердан «оқ олтин» тўкишни ният қилганлар.

– Мен деҳқончилик – таваккалчилик, деган гапга кўпам қўшилмайман, – дейди фермер Абдуғаффор Акромов. – Деҳқончилик, хусусан, пахтачиликда етарли уқув ва тажрибага асослангилсагина сезиларли натижага эришиш мумкин. Бу борада малакали механизаторларимиз Карим Турғунов, Тўланди Ўрозалиев, суяги сувчиликда қотган Мақсуджон Қорабоев, Абдушукур Акромов, Одил Абдувоҳидов каби аъзоларимиз билан елкама-елка туриб, ҳосил салмоғи, баракаси учун курашдик. Кўсакларнинг эртароқ етилиши учун меъёрий агротехникага қатъий амал қилдик. Ҳосил мўл бўлса-ю, вақтида етилмаса – ҳаммаси бекор. Кечки пахтанинг тақдири маълум. Нархи ҳам, қадри ҳам паст унинг.

Қуйичирчиқ туманидаги «Ғофур» фермер хўжалиги деҳқонларининг ҳам айни пайтда кайфиятлари чоғ. Улар август ойи имкониятларидан омилкорона фойдаланишди. 63 гектарда парваришланаётган пахта етарли ҳосил тўплади. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра, ҳар гектарда 35-36 центнердан ҳосил нақд.

Бугун бу хўжаликни 45 йиллик тажрибага эга бўлган омилкор деҳқон Болтабой Ўрозалиев бошқармоқда. Беш ўғил, келинлар, набиралар кекса деҳқоннинг қаватига кириб, пахтачилик сир-асрорларини пухта эгаллаётирлар. Хўжаликнинг яна 25 нафар аъзоси бор.

– Экинга шу чоққача 10 марта ишлов бердик, уч сувдан чиқди, – дейди Б. Ўрозалиев. – Бугунги ҳолати рисоладагидек. Зараркунандаларга қарши биологик усулдан самарали фойдаланганимиз қўл келди. Касаллик аломатлари йўқ.

Дарвоқе, хўжаликда етиштирилаётган пахта уруғликка қабул қилинади. Шу боис ҳар мавсум тўлиқ етилган ҳосил биринчи теримдаёқ йиғиштириб олинади. Бу албатта, хўжалик иқтисодига ҳам тузуккина фойда келтирмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ВОҚЕЛИКНИ МАЛАКАЛИ ЁРИТИШ

**оммавий ахборот воситалари ходимларидан билим, таҳлилий тафаккур, холислик ва ҳаққонийликни талаб этади**

Ахборотнинг кўлами ҳам, оқими ҳам ғоят жўшқин тус олган даврда яшаяпмиз. Бутун дунёда бўлганидек, бизнинг ёш мустақил юртимизда ҳам изчил ислоҳотлар туфайли ҳар куни юзлаб ўзгаришлар, янгиланишлар юз бераяптики, уларни ўз вақтида, холис ва ҳаққоний тарзда халқ оммасига етказиш оммавий ахборот воситаларидан тезкорлик, изланиш, интилиш талаб этаяпти.

Бунда асосий юк босма оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда мингга яқин оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётган бўлса, шундан 900 таси босма нашр, яъни газета ва журналлардир. Жамият ҳаётидаги кундалик ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳияти ва самараларини кенг халқ оммасига тушунтиришдек, масъулиятли ишни босма нашрларсиз маромига етказиб бажара бориш қийин.

Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Босма ва интернет нашрларида ижтимоий-сиёсий мавзуларнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган семинар айни муддао бўлди дейиш мумкин. Ушбу тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда «Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази томонидан ташкил этилди.

Семинарга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, республикадаги етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, шарҳловчилар ва бошқа ОАВ ходимлари таклиф қилинди.

Тадбир қатнашчилари «Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг, янгиланишларнинг босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларида ёритилиши масалалари», «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларнинг матбуотда акс этиши», «Ахборот майдонида миллий манфаатларни ҳимоялаш масалалари» мавзуларидаги маърузаларни тинглаб, қизғин муҳокама қилишди.

Семинар иштирокчиларининг эътибори босма оммавий ахборот воситалари ва агентликлари мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш ҳамда бу йўналишдаги материалларнинг савиясини ошириш учун таҳририятларнинг манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари, мутахассис-экспертлар айниқса, сиёсий шарҳловчилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенг ва изчил йўлга қўйиш зарурлигига қаратилди.

# БЕЖИРИМ ВА АРЗОН

**«Оҳангаронцемент» очиқ ҳиссадорлик жамиятида кулранг цемент ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилди. «Ўзқурилишматериаллар» ҳиссадорлик компаниясидан маълум қилишларича, бу хил цементни узоқ муддат сифатли сақлаш мақсадида оқ тусдаги бежирим қопчиқлар намунаси тайёрланди.**

«Евроцемент груп» холдинг компанияси мутахассислари изланишлари асосида юзага келган бундай қопчиқлар намни ўзига тортмайди ҳамда қадоқланган маҳсулотнинг яхши сақланишини таъминлайди.

**Акбар АЛИЕВ.**

XXI аср ва дунё

# УЙҚУСИЗЛИК САБАБИ

***Австралиядаги Сидней миллий университети олимларининг сўзларига кўра, интернет ва уяли алоқадан меъёридан ортиқ фойдаланиш асаб тизимининг бузилишига ҳамда уйқусизликка олиб келади.***



Тадқиқотлар натижасида мамлакатда бир миллиондан ортиқ киши компьютер ўйинларини узоқ вақт давомида ўйнагани учун уйқусизлик касалига дучор бўлгани аниқланди. Маълумотларга қараганда, уларнинг ўн фоизи ёмон одатдан қутулиш мақсадида психиатрга мурожаат қилган.

# ГЎЗАЛ ОНА – 2007

***Италияда "Она – 2007" гўзаллик танлови бўлиб ўтди. 46 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар иштирок этган бу тадбирда болоньялик Бруна Бенфенати ғолиб бўлди.***

У икки фарзанднинг онаси, ёши қирқ еттида. Б. Бенфенатининг сўзларига кўра, танловда ғолиб бўлишига унинг самимийлиги ва одамшавандалиги ёрдам берган.

Танлов доирасида "Келишган хоним", "Жозибали хоним" ва "Гўзал табассум соҳибаси" рағбатлантирувчи мукофотлари ҳам топширилди.

# ЎҚИШГА ПИЁДА

Хитойнинг Ухань университетига қабул қилинганига хурсанд бўлган Не Вэньди биринчи ўқиш куни университетга пиёда бормоқчи. Ажабланарлиси шундаки, унинг Суйчжоу шаҳридаги уйидан университетгача бўлган масофа уч юз километрни ташкил қилади.

Хабарларга қараганда, Суйчжоудан Уханьга автобусда икки-уч соатда етиб олиш мумкин. Н.Вэньдининг эса ўн икки кун пиёда юришига тўғри келади. Унинг сўзларига кўра, бундай саёҳат жисмонан чиниқтириб, ўқишга рағбатни оширар экан.



# ТЎФОН «ҚУТУРЯПТИ»

***Хитой шарқида турган кучли тропик тўфон оқибатида ўттизга яқин киши ҳалок бўлди ва йигирма киши бедарак йўқолди.***

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, табиий офатдан айниқса Фуцзянь, Чжэцзян ва Цзянси вилоятлари катта зарар кўрган. Ушбу ҳудудларда минглаб турар-жой бинолари вайрон бўлган, электр тармоқлари ишдан чиққан. Бир миллиондан зиёд одам хавфсиз жойларга кўчирилган.

Соҳа мутахассисларининг сўзларига кўра, тўфон яна бир неча кун давом этиши мумкин.

**ЎзА.**

# КУРС ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

**Қизил ярим ой жамиятининг Ангрен шаҳар бўлими қошида табиий-техноген ҳамда фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича фуқароларнинг билим ва тажрибаларини оширишга кўмаклашувчи ўқув курси иш бошлади.**

– Олти ойлик ўқув-машғулотларидан сўнг тингловчилар билан мониторинг ўтказилади, – дейди курс раҳбари Сурия Ботирова. – Аниқ ва батафсил жавоб тўплаган фуқаролар «Энг фаол тингловчи» совринига эга бўладилар.

**Мунаввара РАЖАББОЕВА.**



# ЭКСПОРТДА МАЙМУНЛАР

***Малайзия ҳукумати мамлакатдаги макакаларни (итсимон маймунларни) экспорт қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилди.***

Мамлакат табиий ресурслар ва атроф-муҳит вазири Азми Холиднинг таъкидлашича, бунга Малайзияда маймуннинг мазкур тури ниҳоятда кўпайиб кетгани сабаб бўлган. "Биз шу йўл билан одамларга зиён етказаётган макакаларнинг сонини камайтиришга эришишимиз мумкин", деди Азми Холид.

# ИККИ ШАҲАР КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон фотойилномаси: Самарқанд – Тошкент" мавзуида фотокўргазма ташкил этилди.**

Қадимий Тошкентнинг қиёфаси истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ислом маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасидаги кенг кўламли ишларда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ҳазрати Имом мажмуасида олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бунинг яна бир исботидир.

Бунёдкорлик ишлари ўзининг 2750 йиллик юбилейини кенг нишонлашга ҳозирлик кўраётган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида изчил давом этмоқда. Жаҳон илм-фани, маданияти бешикларидан саналмиш ушбу шаҳарда нодир ёдгорликлар тикланиши ва таъмирланиши билан бирга янгидан-янги иншоотлар, санъат, таълим, спорт-соғломлаштириш масканлари, кенг ва равон йўллар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Кўргазмада жаҳонга донғи кетган шаҳарларимизнинг тарихи, бугунги куни, истиқболи, меҳмондўст ва бағрикенг одамлари, гўзал анъана ва удумлари, бетакрор меъморий обидаларини акс эттирувчи юздан зиёд фотосуратлар намойиш этилмоқда. Аксарият ижодий ишларнинг муаллифлари К. Отаев, Р. Шамсиддинов, Т. Али, Ф. Қурбонбоев, В. Ан каби таниқли фотоусталаридир.

**ЎзА.**



– *Ўзимнинг асал синглим!*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

# БОЛАЛАР УЧУН БЕПУЛ, ЖОНЛИ ТОМОША

**Ёш томошабинлар театрида актёр бўлиб ишлаган йилларим, Каттақўрғон шаҳар Абулҳамид Мажидий номли драма театрида ўн етти йил бош режиссёр бўлиб хизмат қилган кезларим бир савол менга тинчлик бермасди: «Иқболи буюк мустақил давлатимизнинг келажаги ва фахри бўлган болаларимизга нега томошаларни пуллик кўрсатамиз?» Шу фикр хаёлимга келса, ич-ичимдан қийналиб кетардим.**

Маълумки, болажон халқмиз. Кўпчилик хонадонларда кам деганда уч-тўрт, беш ёки ундан кўпроқ фарзанд бор. Театрга тушиш учун ҳар қайси болага беш юз сўмдан чипта пулини ота-она қаердан олиб беради? Қолаверса, болалардан йиғилган чипта пуллари давлат хазинасига тўлиқ тушаяптими? Боз устига, катта-катта йиғинларда: «Театр – тарбия ўчоғи», деб кўкрак кериб гапирамизу ўқувчининг чўнтагига кўз тикамиз.

Узоқ йиллар бу муаммо мени ҳоли-жонимга қўймай келарди. Шу мураккаб тугунни ечиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфида фаолият кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги «Турон» республика ёшлар театр-студиясини ташкил этдик. Бундан кўзланган асосий мақсад уни ижодий мактаб даражасига кўтаришдан иборат эди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда студиянинг фаолият дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, студияда саҳналаштирилган томошалар террор сўзининг маъноси ва келиб чиқиши, маънавият дарсларида Президентимизнинг асарларини ўрганиш, уйга бегона одам келганида, уни кутиб олиш, «гиёҳвандлик – аср вабоси» иборасини изоҳловчи асарларни саҳналаштиришга киришдик.

Узоқ изланишлар шунга олиб келдики, оқибат натижада «Ватан қисмати – менинг қисматим», «Ўзлигингни унутма», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Ўкинч», «Қайтиш», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» сингари мафкуравий мулоқот томошалари дунёга келди. Бутун республикани айланиб, уларни ўқувчилар давраларида намойиш қила бошладик. Бундан ёш томошабинлар ҳам, ўққитувчилару ота-оналар ҳам ниҳоятда хурсанд бўлишди.

Аммо бундай сайёр томошалар пайтида эшик олдида болаларни бирин-кетин санаб киргизаётган «катталар»ни кўриб, эски касалим қўзғаб кетарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Иброҳимов билан учрашиб қолдим.

Суҳбатдошим «дардларим»ни эътибор билан эшитиб, самимий жилмайиб:

– Давлатимиз раҳбари бу йилни бекорга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилганлари йўқ. Шундай экан, келинг, ҳамкорлик қиламиз. Сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман. Бу хайрли ишга ҳокимият идоралари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимларини жалб қиламиз. Ахир, гиёҳвандликка, терроризмга қарши биргаликда курашсак ёмонми?! – деди.

Шу суҳбатдан сўнг, узоқ йиллар елкамда кўтариб юрган харсанг тош қулагандай бўлди, ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим.

Шу-шу вилоят касб-ҳунар коллежларида ҳудудий мулоқот томошалари кўрсатила бошланди. Натижа кутганимиздан ҳам аъло бўлди.

Олмалиқ, Ангрен, Оққўрғон, Янгийўл, Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Зангиота, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Тошкент, Қибрай сингари шаҳар ва туманларда минглаб томошабинлар бу спектаклларимиздан баҳраманд бўлишди. Жумладан, «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мафкуравий мулоқот томошасини олти мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар, маҳалла оқсоқоллари прокуратура, ички ишлар ходимлари вакиллари кўришди. Кейинчалик бу спектакллар уч авлод учрашувига айланиб кетди. Унга ота-оналарни ҳам таклиф қилиш одат бўлиб қолди. Муҳими, санъаткорлар хизматлари учун ҳақ тўлаш пул кўчириш йўли билан ҳал қилинди. Бу Ижтимоий ҳимоя йилининг хайрли бир иши сифатида ҳаётимизга чуқур сингиб кетди.

**Равшан ЁРИЕВ,**
**Республика «Турон» ёшлар театр-студиясининг бадиий раҳбари.**

*Жўра САЪДУЛЛАЕВ*

# НАСИБА

*Воқеий қисса*

Султонали диванга чўзилиб ётиб олди. Дафтарни ёстиқ четига қўйиб кўзларини юмди. Ўтган йиллар воқеалари кўз ўнгидан лип-лип ўтаверди. Кузда, сентябрнинг бошларида Москвада докторлик диссертациясини ёқлади. Қишнинг ўрталарига бориб, уни яна Москвага, ирригация ва мелиорация илмий-тадқиқот институтига чақириб олишди. Шу-шу йигирма йил узоқ-узоқларда қолиб кетди. Ноқоратупроқ ерларнинг захини қочириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда етакчи мутахассис сифатида қатнашди.

Шу йиллар давомида Насибахонни ўйламади эмас. У билан Сочида ўтказган кунларини соатма-соат эслайди. Сўққабошлик вужудини олов бўлиб ёндириб, кўнглини топадиган бир одамга муҳтож бўлган кезлари Насибахоннинг қиёфаси кўз ўнгида пайдо бўлар, қошларини ёқимли чимирганича турарди-қоларди.

Султонали диванга ёнбошлаб, яна дафтарни қўлига олди, уни аста-аста варақлай бошлади.

«Болаларни биринчи маротаба боғчага етаклаб бордим».

«Ишдан келсам, ҳовли тўла бола. Айвонда ойим ўтириптилар. Менга кўзлари тушиб, кулиб қўйдилар».

«... Бу куз болалар мактабга чиқишади. Шаҳарга қайтсаммикан?..»

«Кеча Тошкентга тушдим. Малака ошириш институтида эски қадрдонларим билан кўришдим. Хайрлашаётганимда директор ўринбосари: «Насиба Ҳакимовна, назаримда Тошкентга, ўз севган ишингизга қайтадиган пайтингиз келди», деб қолди...»

Султонали кундалик дафтардаги ёзувларни ўқиётиб, гоҳи таажжубга тушар, гоҳи ички бир куч туғён ўйнаб, ўрнидан турғизиб юборарди. Шундай палларда у хонани айланар экан, ҳаёт қанчалар сирли-синоатли эканлиги, уни ҳеч бир инсон охиригача идрок эта олмаслигини ўйларди. Акс ҳолда ўзи Насибахонни изласа бўларди-ку?! Нега бундай қилмади? Уни қидириб топишига нима монелик қилди? Ахир, Насибахон саҳродаги қум эмасди-ку?

Аммо дарҳол бундай қила олмаслигини ўйлади. Насибахонга берилган ваъда бунга йўл бермасди. Уни қўмсаган, унга талпинган кўнглини тизгинлашга ўзида ирода топган онларини эслади.

— Сўнгги кунларда ўзимни бамисоли арши-аълода ҳис қилдим, — деди Насибахон сўнгги оқшом денгиз ичкарисига олиб кирувчи ўша йўлак охирида туришганида. — Сиз қоронғу дунёимни ёритдингиз. Муҳаббат нима эканлигини, кўнгил бериш қандай бўлишлигини тўла ҳис этишим учун ўзим ҳеч қачон хаёлимга келтирмаган имкониятни туғдириб бердингиз. Шу кунлар роҳати, ёди бир умрга татийди...

Денгиз тинч, тўлин ой нурлари билинар-билинмас селпиниб турган тўлқинларни ёритиб, миллиард-миллиард кўпикли зарраларда жилва берарди. Насибахон осмон гумбазида осилиб турган сокин, унсиз ойга тикилганича, аста-аста сўзларди. Султонали унинг чеҳрасини илгариги кунлари бунчалик осуда, тиниқ кўрмаганди. Шу туришдаги гўзаллик юрагини ҳаприқтириб юборди. У бир интилиб, Насибахонни бағрига олишни, порлаб турган кўзларидаги меҳрни туйгиси келди.

Лекин Насибахоннинг оҳиста овози, таъкидлаб айтилаётган сўзлар уни сеҳрлаб қўйганди.

— Агар мени сийласангиз, кўнгли хотиржамликда яшасин, бу ҳаётда ҳаловатини йўқотмасин десангиз, Тошкентга қайтиб борганингиздан кейин мени ҳеч қачон изламанг. Мени ҳаётингиз чаманидаги бир лола деб ўйланг ва тамомила унутинг. Биласиз-ку, ахир, лола бир очилиб, кўзни қувонтиради, бутун вужудни жунбушга келтиради ва сўлиб, йўқ бўлиб кетади.

— Нега, ахир?!

Насибахон Султоналининг ич-ичидан отилиб чиққан бу саволни жавобсиз қолдирди, авзойини ўзгартирмади. Фақат:

– Оилангиз тикланиб кетади ҳали, Султонали ака, – деб қўйди пичирлаб.

Бу сўзлар Султоналига олис-олисдан, мавҳумликдан эшитилгандек бўлди.

— Сиздан яккаю-ягона илтимосим шу, Султонали ака. Фақат бир нарсага имонингиз комил бўлсинки, мен бир умр шу кунларимизнинг хотираси билан яшаб ўтаман. Сиз эса, мени хаёлларингиздан чиқариб ташланг. Сочида ўтказилган шу ўн кун ҳаётингиздаги энг ёқимли туш бўлиб қолсин.

Султонали ҳалиги саволини яна такрорлади.

— Сабабини ҳозиргина айтдим, — деди Насибахон. У аста ўгирилиб, бошини унинг кўксига қўйди. — Сизга меҳрим шунчаликки, мени деб азият чекишингизни асло истамайман. Билсангиз, суюкли одаминг тинч, хотиржам, ортиқча гап-сўзларсиз яшаётганини ҳис қилишнинг ўзи катта бахт.

Султоналининг шуурида чақмоқ чақилиб ўтди. Шу асномагина Насибахон нималарни назарда тутаётганлигини илғаб қолди. У, оилали бир кишисиз, ҳаётда муносиб ўрнингиз, ижтимоий нуфузингиз бор, демоқчи эди.

Қирғоққа чиқишаётганида, зинага оёқ қўятуриб, Насибахон эшитилар-эшитилмас сўради:

— Ваъда берасизми?

Султонали қорайиб турган денгизга тикилганича узоқ ўйланиб қолди.

— Сиз ҳам бир ваъда бера оласизми? — Насибахон ўзига савол назари билан тикилиб турганини кўриб, оҳиста, сўзларни териб-териб гапира бошлади. — Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Мабодо ўзингизда истак пайдо бўлса, ёки ҳаётингизда шунга эҳтиёж сезсангиз, мени излашга, топишга сўз берасизми?

Энди Насибахон ўйланиб қолди, зинадан секин-секин юқорилаб борар экан, Султоналининг саволини мулоҳаза қилди. Охири, юқорига чиқиб, санаторий ҳовлисига ўтишгач, эшик томон аста-аста бораётиб, ўнг қўлини Султоналининг елкасига қўйди:

— Сўз бераман, Султонали ака.

Насибахон эртаси куни биринчи рейс билан Тошкентга учиб кетди.

«... Ҳасанбой шанба куни мактабдан хомуш қайтди. «Уканг қани?» «Билмайман!» У хонасига кириб, эшикни қулфлаб олди».

«Ишдан кеч қайтдим. Дарвозани очсам, ойим йўлак этагидаги каравотда ўтириптилар. «Тинчликми?» «Қани, бу ёққа кел-чи...» Бориб, каравот ёнидаги стулга ўтирдим. «Бу ёққа чиқ». Каравотга чиқиб, ойимнинг ёнларига ўтирдим. Улар мени биринчи маротаба кўраётгандек, узоқ тикилиб қолдилар. «Биласанми, қизгинам, чамаси мен хавотирланиб кутган вақтим келди. Неча дапқир айтганман сенга. Болалар оталарини билишлари керак, ахир». «Айтдим-ку, Москвага чақириб олишганига саккиз йил бўлибди».

«Ишдан келсам, болалар Москва телевидениесининг «Вақт» дастурини кўришаётган экан. Диктор қиз Россиянинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштираётган Ўзбекистон мутахассисларининг ишлари ҳақида гапирарди. Кейин қисқа репортаж кўрсатишди. Синчиклаб қарасам, Султонали ака интервью бераяпти. Юрагим қаттиқ-қаттиқ уриб кетди. Авзойимни ҳориққанликка йўйиб, ойим бир пиёла чой узатдилар. Султонали ака ер очиш, ботқоқликларни куритиш ҳақида гапирди. Интервью олувчи йигит у кишидан сўраб қолди: «Бахтлимисиз?» Кутилмаган бу савол Султонали акани довдиратиб қўймади. «Бўлмаса-чи!» Лекин журналистнинг иккинчи: «Шу бахтингиз нимада?» – деб берган саволи Султонали акани ўйлантириб қўйди. У телекамерага тикилганича киприк қоқмай туриб қолди. Назаримда, нигоҳларимиз учрашди, у киши шуни истаганга ўхшаб туюлди менга. Юрагимни чангаллаганимча ёнбошимга оға бошладим. Ҳасанбой суяб қолмаганида, ёнимга йиқилиб тушармидим балки.

Султонали аканинг жавоблари элас-элас қулоғимга чалинди: «Бу дунёда уч ҳолатда эр киши чинакамига бахтли бўлади. Биринчиси ва энг муҳими — касбини ардоқласа. Иккинчиси — юртига, Ватанига садоқатли бўлса. Учинчиси — суюкли аёлига ваъдасини бир умр бажариб ўтса...»

Мен «дод» деб юбордим. Ойим: «Насиба, сенга нима бўлди?» — деганларича мени бағриларига олдилар...»

Султонали ўшанда бекорга камерага тикилиб туриб қолмаганди. У шу онларда Тошкентнинг қайси бир хонадонида Насибахон телеэкранга тикилиб турганини ҳис қилар, унинг беихтиёр ёйилиб кетган қошларини, киприк қоқмай туриб қолишини кўз ўнгига келтирганди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).

# ТОШКЕНТДА – ЯНГИ ТРАМВАЙ

***Пойтахтимизга Россияда ишлаб чиқарилган "КТМ" русумли тўртта янги трамвай олиб келинди.***

"Тошэлектротранс" давлат компаниясидан маълум қилишларича, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ тўйи арафасида яна йигирма олтита шундай трамвай Тошкент шаҳри кўчаларида пайдо бўлади.

**ЎзА.**

# КЎНГИЛЛИ ЁШЛАР ФАОЛ

***Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «16 – Вояга етдик!» тадбири ўтказилмоқда.***

Тадбир доирасида ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Ангрен шаҳрининг Истиқлол майдони ва маҳаллаларда, Алишер Навоий номли истироҳат боғида, шунингдек, Қуйичирчиқ туманидаги Эзгулик монументи атрофида ҳашар уюштирилди.

**Азиза ҚУРБОНОВА.**

## Долзарб мавзу

**Сўнгги йилларда йод моддаси танқислиги глобал муаммолардан бирига айланиб қолмоқда. Ҳозир дунёда 1,5 миллиард одам йод танқислиги бор минтақаларда яшайди. Бу бўқоқ касаллигининг янада кўпайиши хавфини оширади.**

# ЁНҒОҚ ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ХУРМО?

Хусусан, эндемик бўқоқ кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Бу дард билан хасталанганлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Йод моддаси танқислиги касалликларини ўз вақтида даволамаса, асоратлари кейинчалик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чақалоқлар чала, ўлик ёки нуқсонлар билан туғилиши, кейинчалик уларда ақлий заифлик, кар-соқов, ғилай, неонатал бўқоқ ҳолатлари кузатилади. Болалар ва ўсмирларда жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, энг ачинарлиси, вояга етган қизларда жинсий ривожланишнинг бузилиши кейинчалик ҳомиладорлик давридаги кўп нуқсонли асоратлар билан кечади. Катталарда эса, бўқоқ ва унинг асоратлари, гипотиреоз, ақлий ва жинсий заифлик ҳолатларигача олиб келиши мумкин.

Эндокрин тизими одам организми фаолиятини назорат қилувчи ва бошқарувчи тизимларнинг энг асосийсидир. Эндокрин безларнинг бири қалқонсимон бўлиб, бу аъзонинг фаолияти бузилганда ва касалликка дучор бўлганда организмдаги бутун модда алмашинуви жараёнлари бузилиши кузатилади. Шунингдек, бундай касалликларнинг 80-95 фоизи қалқонсимон без хасталиклари бўлиб, у инсоннинг меҳнат қобилиятини пасайтириши билан бирга ногиронликкача олиб келади.

Йод одам организмига жуда зарур бўлиб, қалқонсимон безнинг меъёрий фаолияти учун керакли моддадир. Ҳар бир инсон кунига 100-200 микрограмм йод моддаси истеъмол қилиши керак бўлади. Йод элементи озиқ-овқатлар, ўзида йод сақлаган препаратлар кўринишида организмга тушганидан кейин ушбу бирикмалар биёкимёвий реакциялар ёрдамида парчаланиб, таркибидаги йод аминокислоталар билан боғланади ва қонга ўтади.

Қалқонсимон без қондан йод элементи бўлган бирикмаларни юқори сезгирлик билан ажратиб олиб, ўзида мужассамлаштиради, қайта ишлаб, йодли гармонларни синтез қилади ва уларни тегишли миқдорда мунтазам қонга ажратади. Бу гармонлар эса ўз навбатида ҳужайралардаги модда алмашинувида фаол иштирок этиб, тананинг барча аъзолари фаолиятини изга солиб туради.

Шу сабабли организмни йод моддаси билан тўйдириш жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолини йод моддаси билан таъминлашнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Озиқ-овқат орқали йод моддаси етишмовчилигини енгиш ва уни бартараф этиш учун аҳоли ўртасида ялпи гуруҳли ҳамда якка тартибда профилактика усуллари қўлланилади. Унинг самарали, содда ва арзон йўли – бу тузни йодлаштиришдир. Йоднинг профилактикаси кенг истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига, кўпинча ош тузи орқали ўтказилади. Йод танқислигининг кўп учрашини ҳисобга олиб, ҳар қандай йод препаратини шифокор маслаҳатисиз қабул қилиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда бу организм эндокрин тизимининг бутунлай ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Айримлар бўқоқ касаллигини даволаш учун йод эритмасини қўшиб истеъмол қилади, лекин бу нотўғри. Шунингдек, йодни сувга томизиб хонага қўйишади, ваҳоланки, бунинг ҳам одамга фойдаси йўқ. Чунки, йод элементи 1-2 соат ичида, айниқса, бизнинг минтақага хос иссиқ шароитда буғланиб учиб кетади. Ҳомиладор аёллар йод эритмасини сут ва сув орқали истеъмол қилишлари ҳам мумкин эмас. Шундай экан, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда бўқоқ касаллигини аниқлаш учун улар эндокринолог кўригидан ўтишлари зарур. Ёш болаларда йод моддаси етишмовчилигининг олдини олиш учун педиатр-эндокринологга мурожаат қилишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпинча одамлар хурмо ва ёнғоқ истеъмол қилсам, бўқоқ касаллигининг олдини олади ва ҳатто даволаш хусусиятига эга деб ўйлашади. Афсуски, текширишлар натижаси шуни тасдиқлайдики, Ўзбекистон минтақаси тупроғида йод моддаси етарли бўлмаганлиги учун юқоридаги фикрлар нотўғри. Хурмо ва ёнғоқни кўп истеъмол қилиш ҳам бўқоқ касаллигини даволашда самара бермайди. Доимо йодланган ош тузини истеъмол қилинг, бу соғ-саломат юришингиз гаровидир.

**Бахтиёр ХОЛОВ,**
**Тошкент вилояти эндокринология диспансери бош шифокори.**

## Ҳаётий ҳангомалар

### ЖЎХОРИМИ Ё...

*Бошлиқ ва унинг ўринбосари хизмат машинасида шаҳар ташқарисидаги оромгоҳни кўздан кечиргани боришаяпти. Оромгоҳга кираверишдаги йўл четида ўсаётган экинларни томоша қиларкан бошлиқ гап қотди:*

*– Мана, жўхори ҳам униб чиқибди, бир текис ўсаётганини қаранг.*

*– Бу жўхори эмас, супурги, – мулойимгина эътироз билдирди ўринбосар.*

*– Жўхори билан супургининг фарқига борасизми ўзи, – энсаси қотди бошлиқнинг. – Жўхори эканлиги шундоққина кўриниб турибди-ку...*

*Ўринбосар ўз фикрини далилламоққа уринди:*

*– Хўжаликда асқотиб қолар, супуриш-сидиришга ярайди-ку деб, атай экилганди. Аниқ биламан, бу – супурги.*

*– Жўхори дедимми, демак жўхори, – деди бошлиқ тутоқиб.*

*Унинг важоҳатини кўриб, ўринбосар сергак тортди ва ғудранибгина деди:*

*– Жўхори бўлса, жўхорида. – Сўнг бироз қаддини ростлади. – Жуда тўғри айтдингиз, бир текис, чиройли ўсибди.*

### НАСИҲАТЧИ КИМ ЭДИ?

*Бир маҳалладоши ҳақида гапираётиб, унинг исмини эслолмаётган Ҳикмат бува неварасига тушунтирмоқчи бўлади:*

*– Тунов куни кўчада сенга насиҳат қилаётган чолни айтаяпман...*

*– Қайси чол? Эслолмаяпман бува.*

*– Э, нимасини эслолмайсан. Маткаримнинг ошидан қайтаётганда, сенга нимани ўқиб, қандай хулоса чиқариш кераклигини тушунтираётганди-ку!*

*– Олимтой буванинг невараси Ҳакимтойни айтаяпсизми?*

*– Ҳа яша! Ана ўша...*

*– Қанақасига у чол бўлсин? Ёши йигирмадан ошганми-йўқми, – ҳайрон бўлди невара.*

*Ҳикмат буванинг жаҳли чиқди:*

*– Ёшларга ўхшаб кийинмаса, бундоқ ёзилиб кулмаса, ҳамиша жиддий, кимни кўрса, панд-насиҳат қилишга тушади... У чол бўлмай, мен чолми?*

**Тўнғич БЕК.**

## Рассом хандаси




Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Тошкент технология коллежи (Тошкент технология техникуми) томонидан 1999 йилда Норматова Барно Эргашевна номига берилган № 002432 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом № 573390, выданный училищем им. Ахунбабаева 24.07.1981 г. на имя Шишко Ирины Ивановны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент иқтисодиёт коллежи томонидан 2007 йилда Норматова Барно Эргашевна номига берилган К № 850200 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом № 279272, выданный СПТУ– 34 г.Ташкента в 06.07.1987 г. на имя Томко Андрея Викторовича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Учтепа туманидаги «Қурилиш Дунё» МЧЖ (ИНН: 204048453. ОКПО 18582623) устав жамғармасини 1,404879515,49 сўмдан 1,248560273,37 сўмга камайтираётганини маълум қилади.
Даъволар билан Учтепа тумани, «Карвон бозори»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети томонидан 08.09.06. йилда Умурзоқов Муроджон Умаржанович номига берилган В № 017259 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос.ордер на квартиру № 07-21/2195 от 10.12.94 г. права собственности на имя Хузяхметова Рафаэла Дмитриевича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. А-3972. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 6